



ТАДБИРКОРЛАР — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

уларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар тобора кенгайтирилмоқда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг ўрни янада мустаҳкам бўлиб боришига эришилаётир.


Кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожини унқулай тадбиркорлик муҳити яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кўламли ислохотлар амалга оширилди. Муҳим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилга айланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузасида иқтисодий таъминоти бўйича умумий ҳисобда жами 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги иқтисодий таъминоти янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг орта қайтмаслигининг кафолати

бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга мазкур Концепцияда мавжуд қонунларимизнинг қўлчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта аҳамият касб этади. Аммо амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун бугунги кунда замон талабларига жавоб бермай қолди. Шу боис «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурияти юзага келди.

Ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш борасида тегишли идоралар томонидан «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда уни янада такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.




Муҳокамалар жараёнида рақобат сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатлари ва соҳага оид қонунчилигини янада такомиллаштириш, товар бозорларида рақобатни ривожлантириш, монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва реклама фаолиятини ҳимоя қилиш каби масалаларга эътибор қаратилмоқда.

— Президентимиз раҳнаомлигида иқтисодий таъминоти рақобатга қаратилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз ҳар жиҳатдан тараққиётга юз тутди, — дейди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Бахтиёр Иминов. — Бунда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, бошқача айтганда, соғлом рақобат муҳити вужудга келтирилгани алоҳида аҳамият касб этади. Давлат томонидан самарали рақобат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида товарлар ва хизматлар бозорларида монополиянинг сизилари равишида пасайди. Бу товарлар ва хизматлар бозорларида эркин рақобатлашадиган янги ҳужалик юртувчи субъектлар ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш

учун энг қўлай шарт-шароитлар яратилишида намоён бўлди.

Ҳозирги ўн йил ичида монополистик-корхоналар сони деярли 75,2 фоизга камайди. 2004 — 2009 йиллар мобайлида монопол маҳсулотларнинг янги ички маҳсулотдаги умумий ҳажмдаги улуши 26 фоиздан 20,8 фоизга пасайди. Бу эса рақобатнинг янада ривожланганлиги ҳамда товар бозорларида устунлик мавқеини эгаллаб турган корхоналар сонининг сезиларли даражада қисқарганлигидан далолат беради. (Давоми иккинчи бетда)



Islohot va samara

«Хабеас корпус» институти уни қўллаш соҳасини янада кенгайтириш зарурати

Юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган суд ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосан жинсий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади. Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Шу боис, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини жиддий тарзда кучайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда

бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида суд ҳуқуқ тизимидаги устувор йўналишларга тўхталиб, «...бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсини ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шу-

нингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак», дея таъкидлаган эди.

Ушбу ғоянинг амалий ифодаси сифатида 2005 йил 8 августда Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган ва унда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган вазифани қонунчилик йўли

билан ҳал этиш мақсадида 2007 йил 11 июлда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура идораларидан судларга ўтказилгани ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилинган қарор эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Хусусан, 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов идораларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қаноатлантирилган илтимосномалар сони 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 19,6 фоиз камайгани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди. (Давоми учинчи бетда)

Burch va majburiyat

Иқтисодий барқарорлиги бунда солиқ сиёсати муҳим ўрин тутди

омилидир» номи маърузасида таъкидланганидек, сўнгги йилларда ҳужалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга туширилган. Жорий йилда ҳужалик юртувчи субъектлар солиқ тўлови ставкаси эса 7 фоиздан 6 фоизга туширилмоқда, бу солиқ тўловчилар учун катта имконият.

Гал ҳужалик юртувчи субъектлар ҳамда яқка тар-

тибда фаолият юритаётган тадбиркорларга яратилаётган имконият ҳамда қўлайликлар ҳақида кетар экан, шунинг билан таъкидлаш лозимки, улар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, давлат рўйхатидан ўтган ҳар бир ҳужалик юртувчи субъект банк муассасасидан имтиёзли кредит маблағи олиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, дастгоҳлар, жиҳозлар,

техника воситалари харид қилиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиб истаган давлатга сотиш, турли хил тендер-танловларда иштирок этиб, янги объектларга эга бўлиш, ўз мулкни ўзи тасарруф этиш сингари қатор имконият ва қўлайликларга эга. Шубҳасиз, солиқ тўловчиларга яратилган бундай қўлайлик, имконият ва имтиёзлар мамлакатимизда иқтисодий таъ-

барқарор ривожлантиришга туртки бўлади. Бу ҳар бир ҳужалик юртувчи субъект ва яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркордан солиқ қончилигига қатъий риоя қилиб солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз муддатда тўлиқ тўлашни тақозо этади. Солиқ мажбуриятини бажариш ўзини шу ватаннинг фарзанди деб билган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида адо этиб, бурчининг бажарилганлиги, шу йўл билан давлат бюджетини бойишига улш қўшаётган, ҳалол меҳнат ортдан оила тўқислигини таъминлаб, ширин турмуш кечираётган, элда эъзоз топаётган минг-минглаб солиқ тўловчилар бор. (Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин: Икром Тухтамуратович **Муслимов** Олим Буриевич **Хайитов**.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2011 йил 11 февраль № 01 Тошкент шаҳри

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан ҳамда мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда йўл қўйилаётган камчиликларни бар-тароф этиш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (бундан буён матнда — даромадларни легаллаштириш) жамият ҳаётининг турли соҳаларида уюшган жиноятчилик туғилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиши туйғайли миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солади.

2. Судларга тушунтирилсинки, даромадларни легаллаштириш тартибидеги жиноий таркиби зарур элементи бу жиноий фаолият нати-

жасида ортирилган мулк мавжуд бўлишидир. Бундай мулк алоҳида олинган бир шахс томонидан ҳам, жиноий уюшма ёки уюшган гуруҳ томонидан ҳам (Жиноят кодексининг 29-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмлари) қасддан содир этилган бир ёки бир неча жиноят натижасида қўлга киритилган бўлиши мумкин.

Шунинг билан бирга, даромадларни легаллаштиришнинг барча ҳолатларида жиноий фаолият натижасида топилган маблағлар фуқаролик муомаласига киритилмади. (Давоми иккинчи бетда)

Mezon

Ҳар бир қилмишга алоҳида жазо бунинг учун қонун меъёрлари белгилаб қўйилган

Маълумки, юртимизда босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида суд ҳуқуқ соҳасига оид қонунчилик базаси тубдан такомиллаштирилди. Энг муҳими, ушбу қонун ҳужжатларида фуқаролар манфаатига хизмат қилаётган инсонпарварлик тамойиллари устуворлиги мустаҳкамланди.

Маълумки, шахс Жиноят кодексининг 54-моддасида назарда тутилган қонунларга мувофиқ унга ҳар қайси ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун судланган бўлмаса, суд Жиноят ко-

дексининг 54-моддасида назарда тутилган қонунларга мувофиқ унга ҳар қайси қилмиши учун алоҳида жазо тайинлайди. Сўнг ана шу тайинланган энг сиринроқ

жазони оғирроғи билан қўллаш бўйича қарорларни жазоларни қўйиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича шахсга жазо белгилайди. (Давоми учинчи бетда)

Qonun ko'magi

Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояда

Мамлакатимизда тадбиркорлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароитлар ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган. Жумладан, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг зарур ҳуқуқий асослари яратилган. Муҳими, булар амалда изчил таъминланмоқда.

Хусусан, адлия идоралари томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2010 йил давомида соҳа ходимлари томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан келган 373 эъза ҳамда «Ишонч телефони» орқали билдирилган 161 муурожаат ўрганиб чиқилди.

Масалан, Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан «Қашангара» қўшма корхонаси раҳбари Э.Холиқовнинг «Техник таъминлаш ва бутлаш» корхонаси томонидан етказилган маънавий зарарни ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган муурожаати кўриб чиқилди ва унинг фойдасига 150 минг

сўм маънавий зарар ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд қарори билан даъво қаноатлантирилди.

Шу ўринда бошқа мисолга эътибор берадиган бўлсак, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан «Самэвтаб Геобур» қўшма корхонасининг «Бештау» МЧЖдан етказилган зарарни ундириш ҳақидаги муурожаати ўрганиб, зарарни ундириш ҳақида Фарғона вилояти ҳужалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан 16 миллион сўм асосий қарз ва 1,4 миллион сўм моддий зарар ундириш белгиланди. (Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

3. Жиноят кодексининг 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида ортирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)нинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилади...

Бундай мулк қонуний тус бериш пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан, одатда, молиявий операциялар ва бошқа битимлар амалга оширишда ифодаланган.

Молиявий операцияларга капитал маблағлари ҳаракатланган юзасидан амалга оширилган операциялар, жумладан, пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қонуний топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш ва ҳ.к.

Битимлар орқали содир этиладиган легализация деганда, фуқаролик ҳуқуқидаги сингари тузилмада олинган қара, ҳада, гаров, ижара, айрибошлаш ва ҳ.к. шартномалар тузилиши тушунилади.

Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноят кўрсатилган молиявий операция ёки битим амалга оширилган пайтдан бошлаб таъминланган ҳисобланади.

Қонун мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик жиноий йўл билан ортирилган пул маблағлари ёки бошқа мулк билан ҳатто битта операция ёки битим амалга оширилган ҳолда ҳам келиб чиқади.

4. Тушунтирилсинки, шахсининг қилмишида Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ҳар бир ҳолда легаллаштирилган мулк жиноят натижасида келиб чиққанлиги факти аниқланиши шарт.

5. Судлар даромадларни легаллаштириши жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишга жиноятдан фарқлашлари лозим. Жумладан, жиноят (масалан, ўзганининг мулкни талон-торож қилиш) натижасида топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, агар бундай мулк қонуний эгаллик қўриғини берилмаётган бўлса (масалан, техник паспорт ёки ўғирланган автомобилни сотиш учун берилмаган ишончнома қалбакилаштирилган), даромадларни легаллаштириш (Жиноят кодексининг 243-моддаси) таркибини ташкил этмайди.

Ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдига қўйилган мақсаддан) келиб чиққан ҳолда бундай ҳаракатлар ўзганининг мулкни талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) ёки жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (Жиноят кодексининг 171-моддаси) сифатида, бунга асослар мавжуд бўлганда эса, ҳужжатларни қалбакилаштириш сифатида ҳам квалификация қилиниши мумкин.

6. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноий фаолият натижасида ортирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк нисбатан мулкнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда иштирок этган шахсининг ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини ҳал этишда, ҳар бир ҳолатда бу шахс мазкур мол-мулк жиноий фаолият натижасида ортирилганлигини аниқ билган-билмаганлиги аниқланиши шарт. Масалан, агар

шахс жиноий фаолият натижасида топилган мулкни легаллаштиришни хоҳлаб олдиротди шартномаси тузган бўлса ва олувчи сотувчида мазкур мулкка қонуний тус бериш мақсади борлигини аниқлаган ҳолда бу мулкни сотиб олса, олувчининг ҳаракатлари даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида Жиноят кодексининг 28, 243-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳужм кейинчалик мулкни олдиротди шартномаси фуқаролик суд ишларини юритиш тартибиде ҳақиқий эмас деб топилши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Нотариус томонидан мансаб ваколатларидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилган битимни ўзи била туриб тасдиқлаш учун фойдаланилиши даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида (Жиноят кодексининг 28, 243-моддалари билан), бунга асослар бўлганда эса, Жиноят кодексининг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа моддалари билан ҳам билан квалификация қилинади.

7. Судлар шунини инобатга олишлари лозимки, даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк Жиноят процессуал кодексининг 211-моддаси 5-бандига кўра, Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади ва Фуқаролик кодексининг 204-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахсга жиноят натижасида етказилган моддий зарар қоплангандан сўнг қонфискация қилиниши керак.

Агар шахсни Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблагша доир ишни қўриш чоғида пул маблағлари ёки мулкнинг муайян қисми жиноий йўл билан ортирилганлиги аниқланса, улар Жиноят процессуал кодексининг 211-моддаси 4-бандига асосан қонуний эгасига қайтарилиши лозим.

8. Даромадларни легаллаштириш жиноятини содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан жазо белгилашда, судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли "Судлар томонидан жиноят учун жазо таъинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарориде баён этилган тушунтиришларга қатъий риоя этишлари лозим.

Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 243-моддаси диспозициясида даромадларни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик келиб чиқадиган миқдор белгиланмаганлигини, мазкур модданинг санкцияси эса, фақат озоқликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони назарда тутишни инобатга олиб, судлар, инсонпарварлик ва одиллик принципларига амал қилиб, жазо мутаносиблигини Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида берилган миқдорлар (анча, кўп, жуда кўп миқдор)га доир тушунчаларга таянган ҳолда белгилашлари лозим.

9. Даромадларни легаллаштиришга кўмаклашувчи омилардан бири жиноятларнинг ўз вақтида очилмаслиги эканлигини инобатга олган ҳолда, айбдор жиноят натижасида қонунга хилоф тарзда мулкни қўлга киритган ҳар бир ишни қўришда судлар бундай фактларга нисбатан хусусий ажрим қилиш йўли билан муносабат билдиришлари керак.

10. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар даромадларни легаллаштиришга оид ишларни қўриш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари, бу тоифадаги ишлар бўйича суд қарорлари қонунийлиги ва асослигини чуқур текширишлари, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

Олий суд раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Пленум котиби,

Олий суд судьяси

В.НАЗАРОВ

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг бир қатор қонуности меъёрий ҳужжатлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига етарли даражада мувофиқ эмас. Қонун молиявий хизматлар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олган, бу эса мазкур соҳада рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан қарорларни амалга оширишга имкон бермайди.

Янги қонуннинг ишлаб чиқиши, юқориде кўрсатилган ва бошқа камчиликларни бартараф этишга, рақобатни ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлашга, товар бозорларида монополистик фаолиятни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгиланиши кўзда тутилди.


Юқори ликвидли, жумладан, товар бозориде устун мавқега эга қорхона томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг биржа савдолари ривожланиши билан монопол юқори нарх тавсифига ёндашув ҳам ўзгарди. Қонун лойиҳасида биржа савдолари натижасида вужудга келган нарх монопол юқори ҳисобланмаслиги назарда тутилган.

Қонун лойиҳасида иқтисодий жамланмиш бўйича давлат назоратини таъминлаш мақсадида, шахс ёки шахслар гуруҳининг устуллик даражаси ошишига олиб келувчи қўшилиш, қўшиб юбориш, акцияларни, мулкни ҳуқуқларни сотиб олиш ва бошқа битимлар (ҳаракатлар)ни тартибга солишга янги боб киритилди. Шунингдек, ҳўжалик субъектларига нисбатан мазмурий юқларни, оғирликларни қисқартириш мақсадида, акцияларнинг баланс қиймати оширилди.

Инвестицион воситачилар сифатидаги қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан амалга оширилган акцияларни сотиб олиш бўйича битимлар тузилиши ҳамда акция ва ушларни ишончи бошқарувга топшириш юзасидан назоратни амалга ошириш мақсадида мувофиқ эмас, деб топилди. Чунки мазкур бозор қатнашчилари рақобат ривожланишига таъсир қўрмайди.

Янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши рақобат соҳасидаги муно-

ТАДБИРКОРЛАР — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ уларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар тобора кенгайтирилмоқда



сабатларни тартибга солишга кўпгина алоҳида қонуности ҳужжатларидан иборат бўлган меъёрларнинг жамланмиши таъминлаб беради. Бу эса мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очик-ошкоралиги ва самардорлигини оширади ҳамда қонунчиликда мавжуд бўшлиқ ва монополияга қарши тартибга солиш соҳасидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этади. Муҳими, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланлишини, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини таъминлаб беради. Бу эса рақобат ривожланишининг ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг асоси ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда демократик бозор иқтисодларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масаласига эътибор қаратилган экан, тадбиркорлар учун яратилиши зарур имкониятларга алоҳида урғу берилган. Жум-

ладан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рўхсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рўхсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилган ортиқча рўхсатнома ва рўхсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур.

Бу борада ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси тегишли идоралар билан ҳамкорликда изчил фаолият олиб бормоқда. Шу кунларда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рўхсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси давом этмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, рўх-

сат бериш тартиб-қоидаларининг асосий принциплари битта қонунга муҳимлаштирилиши тадбиркорлик ривожига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки мутахассисларнинг таъкидлашича, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун керак бўлган рўхсат беришчи ҳужжатлар рўйхатини аниқлаш учун мавжуд бўлган қонун ва қонуности ҳужжатлар давлат ва маҳаллий идоралар томонидан инвентаризация қилинганда 159 рўхсат беришчи ҳужжатни чиқариб ташлаш мақсадида мувофиқлиги маълум бўлган.

Шу боис янги қонун лойиҳасининг мақсади — ҳуқуқий-норматив тизимни ташкил этишга ҳамда рўхсат бериш тартиб-қоидаларини бозор иқтисодиёти принциплари билан уйғунлаштиришга, давлат бошқаруви органларида ва жойлардаги давлат идораларида рўхсат бериш тартибларини бирхиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги ортиқча бўлган бюрократик тўсиқларни ташкил қилувчи рўхсат беришчи тартиб-қоидаларни бартараф этишга ва бошқаруш тизимини такомиллаштиришга, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган бошқарув қарорларининг очиклиги ва ошқоралигини ҳамда рўхсат олиш учун керак бўлган ҳужжатларнинг аниқ сон, мuddати белгиланишига мўлжалланган. Қонунда рўхсат бериш тартиб-қоидаларининг аниқ механизми белгилаб қўйилиши тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имкониятларни янада кенгайтиради.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа ва килларига янада қулай шарт-шароитга яратишни қўзғаб такомиллаштириладиган қонунлар тараққиётимизга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА, журналист

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари мурожаатларни қўриб чиқиш ҳамда жойларда хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхоналарга оид қонунчиликка риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида турли идораларга қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган тақдирнома ва қўрсатмалар киритилди. Шунингдек, 686 нафар мансабдор шахсга оғохлантириш берилди.

Масалан, Наманган вилояти табииати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ўтказилган текширишда қўйилган 2010 йил 16 июндаги мазмурий қарори билан "Муслим текс" қўшма қорхонаси ходими А.Низомов энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравар миқдориде жаримага тортилганлиги аниқланган.

Бирок қўйма мазкур қарорни қабул қилишда ҳуқуқбузар А.Низомовнинг қорхона мансабдор шахси мақомига эга эмаслигини инобатга олмаган. Мазкур қонунбузилиш ҳолати юзасидан адлия бошқармаси томонидан тақдирнома киритилиб, қўмитанинг юқоридеги қарори бекор қилинди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан "Велан" қўшма қорхонасининг мурожаати ўрганилганда, қўшма қорхонага тегишли бинонинг кадастр ҳужжатла-

Qonun ko'magi

Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояда

ри Зарафшон шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан асосиз равишда расмийлаштириб берилмаётганлиги аниқланди. Мазкур қонунбузилиш ҳолати юзасидан Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига оғохнома киритилиб, қорхонага тегишли бинонинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари ўтган йили хорижий инвесторлар иштирокидаги тадбиркорлик субъектлари манфаатларини қўзғаб судларга шажи 26,353 миллион сўмлик 1399 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан "Stamford Capital Inc." корпорацияси мурожаати ўрганилганда, "Тошкентпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан корпорация фойдасига 2007—2008 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендлар тўланмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан Тош-

кент шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси киритилиб, суднинг қарори билан корпорация фойдасига 122 миллион сўм дивиденд ундириш белгиланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан "Афросиёб мрамари" қўшма қорхонаси раҳбари Ю.Арзумановнинг мурожаати ўрганилганда, "Ўзтемирйўли-қурилишмонтаж" қорхонаси томонидан қўшма қорхона олдиде 16,3 миллион сўм миқдорда қарздорлик йўл қўйилганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан судга даъво аризаси киритилди ва суднинг қарори билан 16,3 миллион сўм асосий қарз ва 3 миллион сўм пеня ундирилиши белгиланди.

Адлия идоралари томонидан қўйилган таъсир чоралари натижасида 423 нафар мансабдор шахс интизоми ҳужабгарликка тортилди, шундан 31 нафарига эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги

қорхоналарнинг ҳуқуқларини бузувчи турли идораларнинг 34 та қонуннинг ҳужжати бекор қилинди.

Масалан, Наманган вилояти адлия бошқармасига "Mirishkor" қўшма қорхонаси мурожаат этиб, "Наманган 3-сонли пахта тозалаш" АЖ томонидан уруғлик чигит чигит этиб бериш бўйича тузилган шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганлигини маълум қилган. Ушбу ҳолат адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам, тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилаётганлиги тасдиқланди. Натижада Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан пахта тозалаш қорхонаси раҳбари Э.Хайитбоевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-1-моддаси асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Наманган вилояти ҳўжалик судига чора кўриш учун тақдим этилди. Мазкур иш суд томонидан қўриб чиқилиб, айбдорга

А.ТУРДИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Maslahat

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР иш берувчининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи қандай далиллар бўлганда тўланади?

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларида чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тартиби тўғрисида»ги Қоида-баённинг тўртинчи бандига мувофиқ, қуйидаги ҳужжатлар меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбдорлиги ёки жавобгарлигини исботловчи далил бўлиши

мумкин: - бахтсиз ҳодисани маъсуус текшириш далолатномаси; - бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисидаги далолатнома; - суд қарори; - меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, соғлиққа етказилган зарар сабабларини назорат қилишни амалга оширувчи давлат меҳнат техника инспектори ёхуд

бошқа мансабдор шахслар (органлар)нинг ҳулосаси; - касб касаллиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса; - айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор; - касабга уюшмаси қўмитаси ёки қорхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори. Келишмовчилик пайдо бўлганда ёки иш берувчи зарарни тўлашни рад этганда, ушбу масала қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бирок гуруч орасида қурмак учрагани каби яратилган имконият ва қўлайликларга яраша ҳалоллик билан фаолият юритиш ўрнига давлат томонидан белгилаб қўйилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товловчи шахслар ҳам учраб туради.

Судланувчи С.Расулов «Қурувчи Муруват савдо» хусусий қорхонасини ташкил этиб, уни 2009 йилнинг 3 январиде Самарқанд тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида давлат рўйхатидан ўтказган. У укаси Ш.Расуловнинг ҳўжалик юритувчи субъектларини молиявий ҳўжалик фаолиятини юритиш бўйича бирон-бир тушунчага эга эмаслигини билса-да, ушбу хусусий қорхона директори вазифасига расмийлаштирган. Ҳозир эса хусусий қорхонанинг бош ҳисобчиси вазифасига «тайинланган». Шундан сўнг Ш.Расулов яна бошқа бир «Самарқанд Гулобод қурилиш» хусусий қорхонаси ташкил этиб, директорлик лавозимини ўзи эғаллаб, укаси Ш.Расуловни бош ҳисобчи лавозимига тайинла-

ган. Аслида С.Расулов ҳар икки қорхонада ўзи иш юритиб, укасининг имзоларини қалбакилаштириб келган. У «Қурувчи Муруват савдо» хусусий қорхонасида 2009 йил якуни ва 2010 йил учинчи чораги учун Самарқанд тумани давлат солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботда савдо фаолиятини амалга оширмаганлигини кўрсатиб, солиқ солинадиган объектларни қасддан яширган. Қорхона ҳисобидан нақд пулга сотилган товарлар тушумини ҳисоботларда кўрсатмасдан давлат солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботда бажарилган ишлар ҳажмини камайтириб кўрсатиб жами 20 миллион 379 миң 500 сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Бунга ҳам қаноат қилмаган С.Расулов «Самарқанд Гулобод қурилиш» хусусий қорхонасида ҳам солиқ мажбуриятини бажаришга келганда лоқайдликка йўл қўйган. У 886 миллион 305 миң сўмлик қурилиш материалларининг 776 миллион 305 миң сўмлигини қорхона томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишларига сарфлаган.

Кўзбўямачиликни одат қилган С.Расулов қолган 110 миллион сўмлик қурилиш материалларини терговда шахсини аниқлаш имконини бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юборган ва 2010 йилнинг учинчи чораги учун туман давлат солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботда савдо фаолиятини амалга оширмаганлигини кўрсатиб, солиқ солинадиган объектларни қасддан яширган. Товарни сотишдан тушган тушумини яшириш йўли билан 5 фоизлик ставкада 5 миллион 500 миң сўмлик тақроран қўп миқдордаги савдо фаолиятдан яғно солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Судланувчи Б.Нарзиқулов ва З.Вариенцева уларнинг солиқ тўловдан бўйин товланган ҳисоботларини қасддан яшириб, камайтириб кўрсатиб келишган.

Burch va majburiyat

Иқтисодиёт

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Юксак одоб — гўзал хулқдир.

Яшаш — ҳаракат қилмоқ демакдир.

Инсон қанчалек кўп билса, у шу қадар кучли.

Халқ донишмандлиги, одатга, ҳикматли сўзлардан иборат.

Ҳис этмоқ — англамоқ демакдир.

Виждон бамисоли яшашликни ёмонликдан ажратувчи қоз.

Токи китоблар бор экан, ҳеч қачон ўтмиш эскирмайди.

Тасаввурнинг ўрнини боса оладиган биргина нарса — тажриба.

Муваффақиятга эришишда қарор бошқа ҳар нарсадан фойдали эканини асло унутманг.

Ниятимизни астойдил амалга оширишга киришса, алаббатта, унга эришамиз.

Билш қийин эмас, кўниши мушкул.

Кўп китоб ўйиш ва кўп дўст орттиришга маъно йўқ, гап китоб ва дўстнинг қадрига етишга.

Ватанимизнинг табиий заҳиралари орасида сув беқийёс ўрин тутди. Унинг ҳар қатрасини тежаб-тергаб фойдаланиш — барчамизга дахлдор вазифа.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида инсон манфаатларини кўлаб амалга оширилган илчил ислохотлар самарасида бугун халқимизнинг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 82,5 фоизга етди. Бунда юртимиздан оқиб ўтувчи дарёлар, ер ости чуқур сув манбалари, зилол чашмалар ва табиий булоқлар муҳим ўрин тутди. Албатта, юртимизнинг ҳар бир ҳудудидида сув манбалари таркиби ўзига хос хусусиятларга эга.

Масалан, Тошкентга келган ҳар бир меҳмон хурмату иззат билан узатилган чойни ҳўплар экан, сувнинг ширин ва роҳатбахшлигини дарҳол эътироф этади.

Тошкент шаҳрининг муҳим обихаёт манбаи бўлган Чирчиқ дарёси сувини соф ва мусаффо сақлаш юзасидан кенг кўламли экологик тадбирлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрда қабул қилинган қарори ижроси самарасида мазкур дарё атрофидаги аксарият ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминоти тизими жорий этилди, сувнинг сифатига салбий таъсир ўтказётган бир қанча иншоотлар бошқа жойга кўчирилди.

Бундай илчил тадбирлар тоғлардан оқиб келаётган зилол сувнинг сифати янада яхшиланиши ва шифобахшлик хусусиятлари асл ҳолича сақланишига хизмат қилаётди. Бугун пойтахтимизда аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш бора-бора «Сувсос» трести давлат корхонаси томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«Сувсос» трести таркибиде ичимлик сувини тозаловчи ва тақсимловчи еттига иншоот мавжуд. Улар кунига икки миллион кубометрдан зиёд суви шаҳар ва шаҳар атрофидаги йирик sanoat марказлари, ташкилотлар, ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар ва хонадонларга етказиб беради. Унинг саксон фоизга яқини очик сув хавзаларидан, қолгани ер ости манбаларидан олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 февралдаги «Тошкент шаҳрининг сув таъминоти тизимини



«такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарориде белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида 2004 — 2009 йилларда «Сувсос» трести қиймати 10 миллион доллар миқдоридеги йирик инвестицион лойиҳани амалга оширди. Натижада ун йирик ичимлик сувини тозалаш иншоотидаги эскирган насос ва электр ускуналари замонавий қулай, кам энергия сарфлайдиган қурилмалар билан алмаштирилди, барча технологик жараён автоматлаштирилди. Махсус лабораториялар ичимлик суви сифатини таҳлил этидиган замонавий ускуналар билан таъминланди.

Сув сифатини назорат қилиш анча маъсулиятли ва доимий диққат-этибор талаб этидиган жараён. Шу боис бу ишга Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари ҳам фарқ ҳисса қўшмоқда. Жиддий таҳлиллардан ўтган ичимлик суви барча кўрсаткичлар бўйича давлат стандартлари талабларига тўлиқ жавоб бергач, истеъмолчиларга етказиб берилади.

Бироқ ана шундай мураккаб иш жараёни орқали етиб келаётган суви беҳуда сарфлаётганлар, ифлослантираётганлар, бу соҳадаги қонунчилигимизга маъсулиятсизлик билан ёндашаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида сув ўлчагичлар ўрнатилмоқ-

да. Ҳозирги кунда бу тизим пойтахтимиздаги барча корхона ва ташкилотларда тўла жорий этилди. Кўп қаватли уйлар ва ховлиларда 330 мингдан кўпроқ сув ўлчагич ўрнатилди.

Бундай тадбирларнинг самараси доимий мониторинг қилиб бориладиган кўрсаткичлар билан таъминланган кунлик меъёرنинг қарийб ярмигача

камайгани кузатилди. Сув ўлчагичлар ўрнатилмаган хонадонларда эса тасдиқланган меъёрдан икки баробар кўп сув сарф қилинаётгани, бу, бир томондан, табиий бойликнинг беҳуда исроф бўлишига, иккинчи томондан эса, тўловларнинг ва сув етказиб беришга кетаётган энергия ва хизмат сарфининг ошишига сабаб бўлмоқда.

«Сувсос» трести мутахассислари бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида сув ўлчагичлар ўрнатишнинг фойдали жиҳатларини мунтазам тарғиб-ташвиқ этмоқда. Сув исрофини камайитириш мақсадида ҳар йили тармоқларни капитал таъмирлаш, истеъмолчиларни хатловдан ўтказиш, сув таъминоти режимини оптималлаштириш тадбирлари бажарилмоқда. Бу ишлар натижасида жорий йилнинг январь ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан беш фоизга яқин ёки икки ярим миллион кубометр сув тежалди.

Аҳоли давлат стандартларига жавоб берадиган сув ўлчаш мосламаларини сотиб олиш ва ўрнатиш усуллари ҳақида «Сувсос» трестининг сув ўлчаш хизматида тўла-тўқис маълумот олиш имкониятига эга.

...Суви ифлослантирмастик ва исроф қилмаслик, хонадонларга обихаёт етказиб бериб, ҳаётимизни фаровон қилаётган инсонлар меҳнатини қадрлаш — барчамизнинг бурчимиз.

Qutlov
Самимий инсон, меҳрибон устоз

Бу ҳаётда ҳар бир кишини, аввало, эзгу ишлари, ҳалоллик, қатъият, фидойилик, турмуш тарзида адолат ва ҳақиқатни меzon деб билиш, касбига ҳамиша юксак маъсулият билан ёндашиш каби инсоний фазилатлари улуглайди, унга обрў-эътибор олиб келади. Чунки, бир мартаба бериладиган бебаҳо нёзmat — умрни мазмунли ўтказган, уни эзгуликка бағишлаган, хусусан, сидқидилдан меҳнат қилиб, касбини шарафлаган инсонлар ҳаловатга, хотиржамликка эришади, эл-юртнинг назарига тушади. Бугун кўпгина олимш ёшанини нишонлаётган ҳуқуқшунос Каримжон ака Саидов ҳақида сўз кетганда, меҳнатдан қадр топган инсон сиймоси кўз олдимизда гавдаланади.

Албатта, ҳаётда ҳар бир касбнинг ўзига яраша маъсулияти бор. Аини чоғда шундай касблар борки, улар жамият ҳаётида ҳам, ҳар бир инсон тақдирини ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, судьялик касби одил судловни рўёбга чиқариш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, энг муҳими, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу маънода, судьялик нафақат касб, аини пайтда юксак мақом ҳамдир.

Маълумки, судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Бу судлардан юксак малака ва чуқур билим талаб қилади. Буни чуқур англаган Каримжон ака ишда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам касбини доимо ардоқлади. У судьялик фаолияти давомида ҳар бир ишга, биринчи навбатда, қонун ва адолат нуқтаи назаридан баҳо бериб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда юксак маъсулият билан ёндашгани боис жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонди. Каримжон ака Сирғали тумани суди судьяси, Тошкент шаҳар суди судьяси, Олий суд судьяси, Тошкент вилояти суди раисининг ўринбосари, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси лавозимларида фаолият юритганда бу фазилатлар янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Каримжон аканинг суд тизимидеги самарали фаолияти ҳуқуқимизни томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Президентимизнинг Фармониға кўра, К.Саидов «Жасорат» медали билан тақдирлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Фаолияти мобайнида кўплаб ёшларга ҳуқуқшунослик, хусусан, судьялик касбининг сир-асорини сидқидилдан ўргатган Каримжон ака бугун ҳам ўзининг катта ҳаётий тажрибаси, ўғит ва маслаҳатлари билан кўпчиликка яқиндан кўмак бериб келмоқда. Самимий, ростгўй ва ўзига нисбатан ҳамиша талабчанлиги билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган устозимизни кўпгина ёши билан табриклар, муштақкам сийҳат-саломатлик, оилавий тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

БИР ГУРУХ ШОГИРДЛАРИ



Ehtiyot bo'ling, firibgar!



Ўзганинг ҳақиға хиёнат у ҳеч қачон кенирилмайди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Чиндан ҳам, Зокир кўп куттирмади. Кечки соат 8 ларда у Ш.Халиловнинг кўл телефонига кўнжироқ қилди.

— Шўхрат ака, ишларингиз ҳал бўлди. Фақат битта «лексини» бор. Уни телефонда айтиб бўлмайди, тезда учрашишимиз керак.

Иш қутилганидан ҳам тез ва осон «ҳал бўлган»ини эшитган Шўхрат дарров Зокир айтган жойға етиб борди.

— Энди гап бундай ака, — дея салмоқлаб сўз бошлади Зокир. — Акаларим билан гаплашдим. Ишингизни ун кунда тўғрилаб берадиган бўлишди. Фақат бунинг учун олдиндан қарзининг ўн фоизини тўлашингиз керак...

Ш.Халилов кўлдан чиқиб кетган пулини қайтиб олишини эшитиб, бу шартга рози бўлди, «М.Мирзаевадан пулини олай, майли, айтганингизни бераман», деди у. Лекин Ш.Халилов бундан тасдиқлангандан кейин мулкдор ҳокимликка бузилиши лозим бўлган унни (квартирани) тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларига тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларини томонидан белгиланган мuddатда бўшаптиб қўйиш тўғрисида қафолат хати тақдим этилди.

Уй (квартира) яқна тартибда уй-жой қуриш учун мулкдорга ер участкаси ажратилгандан, шунингдек, ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача мuddат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилгандан сўнг бузилиши мумкин.

ўзингизга қолиш шarti билан олиб бераман. Эгаси бугун эрталаб шу ҳақда айтган эди. Омадингиз бор экан, машина сизга насиб қиладиган бўлди, — дея у Рустамни ишонтирди.

Аҳмад йўл-йўлакай машинасини йўл четиде тўхтатиб, телефонда ким биландир узоқ гаплашди. Сўнг машинаға чиқиб, Р.Эминовға шундай деди:

— Ака, ишингиз ҳал бўлди. Фақат биринчи ойға ижара учун 1300 АҚШ доллари берасиз. Кейинги ойларға 200 АҚШ долларидан берсангиз бўлди. Уч йилдан кейин машина ўзингизға қолади...

Иши бунчалек энгил битишини кутмаган Р.Эминов Аҳмаднинг «эртаға эрталаб ўзин сизни йилгиздан олиб кетаман», деган ваъдасига ишониб, унинг қўлиға қандай қилиб 1300 АҚШ доллари бериб юборганини билмай ҳам қолди...

Кейин эса... эртасига ҳам, индиниға ва ундан кейин ҳам «хотажбарор» А.Алиев қорасини кўрсатмади. Яхшиямки, Р.Эминов А.Алиев бошқариб юрган автомашинанинг давлат рақамини эслаб қолган экан. Охир-оқибат ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилди ва фирибгар А.Алиев қўлга тушди.

Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди А.Алиевни Жиноят кодексининг 168-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этишда айби деб топди. Тергов давомида Р.Эминовға етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани боис А.Алиевға нисбатан ойлук иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадиға тузатиш жазоси белгиланди.

Хўш, бу ўринда ким кўпроқ айбдор? Албатта, Ш.Халилов амалдаги қонунларни назар-писанд қилмасдан, ўзганинг ишончига кириб, уни алдаб, ўзига билдирилган ишончни сунистеъмол қилди, яъни жиноятға қўл урди ва шунга яраша жазосини олди. Лекин Ш.Халиловчи? У нега бундай йўл тутди? Ҳазини «чу» тушириб кетган М.Мирзаева ҳақида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар бериш ўрниға нега Ш.Халиловдан ёрдан сўради? Фирибгарнинг қармоғига тарқат илинб қолишиға мана шу бепарволиги сабаб эмасми?

Яна бир «қахрамонимиз» Аҳмад Алиев ҳам оилали, уч нафар фарзандининг отаси. Буни қарангки, Аҳмадбой ҳам худди биринчи «қахрамонимиз» Ш.Халиловға ўхшаб, на бирон-бир жойда ишланиши ва на бир машғулот билан шуғулланиши йўллайди. Аксинча, доимо осон, энгил ва тез бойлик орттириш пайтда бўлди. Лекин бойлик омондан тушмайди, унга меҳнат билан эришиш керак. Қарангки, Аҳмад бунинг «антиқа» йилини топди.

У бир кунги ўзи ижараға олган автомашинада кирақашлик қилиб юрганида машинасиға чиққан Рустам Эминовға ижараға машина олиб беришни ваъда қилди.

— Ака, яп-янги «Доган», кейинчалик

Qilmish-qidirmish

Ишонч — мустаҳкам ришта унга ҳеч қачон путур етмасин

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Аксинча, тараллабедод қилиб, вақтини хомжаёлларға берилиш билан ўтказди. Табиийки, вақт қараб турмайди, ернинг умри бекор ўтаётгани учун фермердан ер олиб қўйилди-да, ҳақиқий эгасига топширилди. Ҳавоий режалар билан юрган Ш.Тиркашевнинг асл қиёфаси ана шунда яна бир ошкор бўлди.

Хўш, у нима қилди, дерсиз? Ш.Тиркашев бошқа бир таниш деҳқон хўжалиги ёпилғач, унинг лизинг асосида олинган тракторини «лизингнинг қолган қарзини тўлайман», деган ваъда билан ўз ерида фойдалана бошлади. Аммо шу орада бошқа бир муаммо чиқиб қолди. Гап шундаки, «ишингизни билгунча кўзини бил» деган ҳикматни тескари тушунган Ш.Тиркашев қандай йўл билан муаммо чиқиб қолди. Шу мақсадда у ҳамқишлоғи Ж.Деҳқоновдан ҳали пишиб етилмаган бугдой учун 680 АҚШ доллари ва 430 минг сўм пул олиб қўйган эди. Аммо вақти келиб бугдой беролмагач, қарзини сўраган Ж.Деҳқоновдан қандай қутулганин ўйлаган Ш.Тиркашевнинг миясига «антиқа» ўй келди. Яъни у бирорнинг номида бўлган тракторни алдов йўли билан Ж.Деҳқоновға сотиб юборди. Натижада унинг чўнтағига 7.000 АҚШ доллари ва 450.000 сўм кирди.

Албатта, қонун устунлиги таъминланган мамлакатимизда бундай жиноят қилишға ўз вақтида чек қўйилди. Ўзганинг мулкчини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган, алдов йўли билан бойлигини ўйлаган Ш.Тиркашев қилмишларини қонунға мутлақо зид эканини судда тушуниб етди.

Суд ҳаёти яқна тури ва микдорини белгилашда кўпгина энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигини ва жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатға олиб, Ш.Тиркашевға 3 йил ахлоқ тузатиш иш жазосини тайинлади.

Фирибгарликни касб қилган Ш.Тиркашевдай кимсалар қонуний жазосини олшиш шубҳасиз, лекин улар ўзгалар ишончига дарз етказгани ва бу ишончнинг тикланиши қийинлигини бир кун тушуниб етишармикан?

Салохиддин ТУРСУНОВ, жиноят ишлари бўйича Пайриқў тумани судининг раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМОИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАҲАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Муҳаммад АЛИ

Омонбой ОҚЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЙОНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБЕКОВ
Шоюнус ҲОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Алибек ЭРҒАШЕВ

Саҳифадовчи

Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-318. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 8656.
1 2 3 4
Топшириш вақти: 21^о Топширилди: 22^о